

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Балиқчилик хўжаликларига солиқ юки пасайтирилди

Президентнинг «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (29.08.2020 йилдаги ПҚ-4816-сон) қабул қилинди.

Ҳужжат билан солиқ солишнинг қуйидаги тартиби жорий этилмоқда:

➤ 2020 йилдан бошлаб сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув объектидан олинган ва қайтариб чиқарилган сув ҳажми ўртасидаги фарқидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ерларини сугориш учун белгиланган ставкаларда ҳисобланади;

➤ коллектор-дренаж сувларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

➤ балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш учун фойдаланилган сувнинг ҳажми ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан аниқланади;

➤ фойдаланилган сувнинг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50%и миқдоридан белгиланади.

Сув хўжалиги вазирлиги ҳар йили сув лимитлари белгиланаётганда балиқчилик хўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқларининг рўйхатини шакллантиради ҳамда ўзининг сайтыда

жойлаштириб боради (сувларнинг шўрланиш даражаси ва сифати кўрсатилган ҳолда). Улардан фойдаланишда коллектор-дренаж тармоқларининг лойиҳавий параметрларига риоя қилиниши даркор. Шунингдек, вазирлик сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликлари учун сув олиш лимитлари манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлиги, шунингдек, балиқчилик хўжаликларининг сув истеъмоли режаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлайди.

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликлари, сув етказиб берувчи тегишли ташкилотлар ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ўртасида ҳар йили 15 январдан кечикмаган муддатда уч томонлама шартнома тузилади.

2021–2022 йилларда сув танқислиги шароитида дарё ва каналлардан сув оладиган балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзаларида босқичма-босқич янги ресурс тежамкор интенсив технологиялардан ва икклимачи сув манбаларидан кенг фойдаланишга ўтилади.

Тармоққа оид илм-фанни ривожлантириш давом эттирилади:

Тошкент вилоятида Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг гидробиологик ва гидрохимёвий таркибини, омукта ем сифатини таҳлил қилиш ҳамда балиқ касалликларига ташхис қўйиш лабораторияси очилади;



Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базаси янгиланади, инновацион ахборот-ресурс хоналари, балиқчиликда селекция ва наслчилик, балиқларнинг табиий ва сунъий озуқа сифатини таҳлил қилишга ихтисослашган лабораториялар барпо этилади – тегишли лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилади;

2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси табиий сув захиралари ихтиофаунаси ва сув биоресурсларининг ягона маълумотлар банки ташкил этилади.

«Янги Чиноз балиқ бозори»нинг бино-иншоотлари инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлари билан оммавий савдоларда бозор қиймати бўйича сотилади. Уларнинг ўрнида балиқ ва балиқ маҳсулотлари савдосига мўлжалланган замонавий савдо комплекси ташкил этилиши керак. Объект қўйилган кундан бошлаб 3 ой мобайнида сотилмаган тақдирда тўловларни 5 йилгача муддатга тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан уни бозор қиймати бўйича сотиб олиш мумкин бўлади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 29.08.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Суд иши: рақамлаштиришнинг иккинчи босқичи

Президентнинг «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (3.09.2020 йилдаги ПҚ-4818-сон) билан 2020–2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди.

Биринчи босқичда 2017–2020 йиллар мобайнида судларга масофадан туриб муурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернетда эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилган.

Иккинчи босқичда судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида IT-инфратузилмаси янада яхшиланади, хусусан:

а) 2021 йилда:

1 январдан бошлаб – барча судларда суд мажлислари тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб борилади. Ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда суд мажлислари баённомалари шакллантирилади;

1 июлдан бошлаб – апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш жорий этилади;

1 октябрдан бошлаб – барча иштирокчилар суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида СМС-хабар орқали белгиланган асосда хабардор қилинади;

б) 2022 йилда:

1 январдан бошлаб – суд қарорлари тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этилади;

1 июлга қадар – суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва бизнесга одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишлари давлат архивига электрон шаклда топширилади.

Олий суднинг ахборот тизимига 28 та давлат органлари ва ташкилотлари (шу жумладан, Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Бош вазирнинг қабулхоналари) босқичма-босқич уланади. Бу судлар ва бошқа идораларга маълумотлар ва ҳужжатлар билан фуқароларни овора қилмаган ҳолда алмашиш имконияти

ни беради. Масалан, интеграция туфайли судьялар қуйидагилар тўғрисида тезкор равишда ҳаққоний маълумотлар олишлари мумкин бўлади:

➤ жарималарни қамайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда – «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳоли ҳақидаги ишончли маълумотлар;

➤ алимент миқдорини белгилашда – туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар.

2022 йилда қуйидаги имкониятларни берувчи «Адолат» ахборот тизимлари комплекси ишга туширилади:

➤ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга – даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;

➤ манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш;

➤ суд мажлиси иштирокчилари томонидан – маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

➤ суд ҳужжатларини автоматлаштирилган равишда шакллантириш.

Суд мажлисларида видеоконференцалоқа форматида иштирок этиш

2-бетда

Ушбу сонда:

➤ Муҳтожларга компенсация

➤ Васийнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

➤ Ўзини ўзи банд қилган шахс катта пенсия олмоқчи...

Ходим судланди. Унга қандай нафақалар тўланади?

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Суд иши: рақамлаштиришнинг иккинчи босқичи

1-бетда имконияти кенгайтирилади. Жорий йил якунига қадар фуқаролар учун тегишли мобил илова ва жазони ижро этиш муассасаларида махсус ускуналар билан жиҳозланган хоналар пайдо бўлиши керак.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан бошлаб: Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик

лавозимларига номзодлар электрон мурожаат қилишлари мумкин. Сухбат жараёнида бериладиган саволлар ва вазифалар ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танланади;

Судьялар олий мактабига унинг расмий сайти орқали ариза ва мурожаатлар йўлланади. Профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг электрон рейтинги,

шунингдек судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш доирасида ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларнинг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартиби жорий этилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.09.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ёш оилаларга уй-жой бериш тартиби ўзгарди

Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (27.08.2020 йилдаги 521-сон) қабул қилинди.

Президентнинг «Ипотека кредити механизмлари-ни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (28.11.2019 йилдаги ПФ-5886-сон) ижро этиш учун 2018-2020 йиллар давомида мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2 116 та уй-жойлардан:

➢ 350 таси фойдаланишга топширилганлиги;

➢ 296 таси ёшлар томонидан рад этилганлиги ва 556 тасининг қурилиши бошланмаганлиги;

➢ 2019 йилда 558 та ва 2020 йилда 356 та уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ёш оила сифатида ҳисобга қўйилган ва тавсиянома берилган ёш оилалар учун 2019–2020 йилларда қурилган ёшлар уйлари рўйхати тасдиқланди. 2020 йилда 356 та оила ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олади.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2020 йил учун «Ўзшаҳар қурилиш инвест ИК» МЧЖ ва «Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ иштирокида шаҳарларда ва қишлоқ жойларида кўп квартиралар арзон уй-жойлар қурилишнинг асосий параметрларига ўзгартиришлар киритиш топширилди.

«Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан биргаликда Исломо тараққиёт банкнинг кредит линиялари бўйича «Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ ҳисобрақамларида уй қурувчиларнинг дастлабки бадаллари ҳисобидан жамланган маблағлар 3 кун муддатда республика бюджетига йўналтирилиши керак. Молия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосланган ҳисоб-китобига мувофиқ маблағларнинг қайтарилган қисми ҳисобидан:

➢ 2019 йилда ёшлар учун қурилган 558 та уйнинг дастлабки бадаллари учун – 30 млрд сўм;

➢ 2020 йилда қуриладиган уй-жойлар учун 356 нафар ёш оилаларга уй-жой қиймати дастлабки бадалининг 65%гача бўлган қисмини молиялаштириш учун – 11,6 млрд сўм маблағларни ҚҚСни қўшган ҳолда ажратади.

Хужжат билан шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга кўра:

➢ Ёшлар иттифоқи томонидан ёш оилаларга уй-жой қийматининг дастлабки бадаллари сифатида тўланган ссудани ва унга ҳисобланган фоизларни ундириш бўйича Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратида назорат гуруҳи ташкил этилади;

➢ ҳудудий кенгашлар ссуда ва фоизларни шартномада белгиланган муддатда қайтармаган ёш оилаларга 1 иш куни ичида Маҳалла ва оилани қўллаб-қув-



ватлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда шартнома асосида тўловларни амалга ошириш юзасидан муддат белгиланган ҳолда, нотариус орқали ёзма билдиришнома юборади;

➢ ёш оилалар томонидан ёзма билдиришнома талаблари бажарилмаган тақдирда, ҳудудий кенгашлар 2 иш куни ичида муддати ўтган қарздорлик бўйича ижро хати ёзиб беришни сўраб нотариусга мурожаат қилади;

➢ нотариус томонидан 1 иш куни ичида ижро хати ёзиб берилади ва Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмасига тақдим этилади, унинг ҳудудий бўлинмаси белгиланган тартибда муддати ўтган қарздорликни ундириш чораларини кўради.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 28.08.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан субсидия олувчи шахслар тоифаси кенгайтирилди

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи қабул қилинди (26.08.2020 йилда 3163-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Буйруқ Президентнинг «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (18.05.2020 йилдаги ПҚ-4716-сон) ва «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (26.06.2020 йилдаги ПҚ-4759-сон) қарорларига мувофиқ тайёрланган.

Хужжат билан низомига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

2-банддан 5 ва 6-хатбoshiлар чиқариб ташланиб, у қўйидаги мазмундаги 2¹ ва 2²-бандлар билан тўлдирилмоқда:

2¹. Президентнинг ПҚ-4716-сон қарорига мувофиқ субсидиялар қўйидаги мақсадлар учун ажратилади:

а) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (АБКМ), етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – БҲМнинг 30 бараварига;ча;

суғориш воситалари харид қилиш учун – БҲМнинг 10 бараварига;ча;

уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – БҲМнинг 3 бараварига;ча;

б) қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун – БҲМнинг 10 бараварига;ча. Бунда:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари балиқчилик, қўнчилик, паррандчилик, асаларчилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикуччилик, хўнарамдоччилик ва бошқа илгор соҳаларда ташкил этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар бирлаштирилади.

2². Президентнинг ПҚ-4759-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекилаксаноат» уюшмаси таркибидидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни

яратиш шартли билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун – ҳар бир дастгоҳ учун БҲМнинг 10 баравари миқдоридан субсидиялар ажратилади.

36 ва 37-бандлардаги «банд бўлмаган» сўзлари «ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилалар аъзоси бўлган» сўзлари билан алмаштирилди.

38-банд қўйидаги тахрирда баён этилди:

«Урганлиш натижасига кўра мурожаат қилган шахс банд бўлмаган ҳолларда унга унинг томорқа ерига мос келадиган енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш ва (ёки) уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиниши бўйича АБКМнинг маъсул ходими етказиб берувчи ташкилот, АБКМ ва томорқа ер эгаси ўртасида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради. Бунда томорқа ер эгасининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда битта оила учун қўйидаги йўналишлардан бири учун уч томонлама шартнома тузади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш; суғориш воситалари харид қилиш; уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш».

Буйруқ билан низомига бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.08.2020 йилдан кучга кирган.

Баҳодир Қаюмов.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**
- **ПЕНСИЯ ИШИ** – Компенсация пул тўловлари ҳақида – Фақат рухсатнома билан – Ҳар бир пенсиянинг ўз тартиби бор

- Лавозим Рўйхатдан чиқарилганда
- Яхши пенсия олиш учун тўловни амалга ошириш керак
- Карантиндаги оилалар учун
- Қарорни комиссия қабул қилади
- Рақамли режимда
- Уста учун имтиёз
- Харажатларни қоплаш жиҳатлари

- Ижтимоий нафақаларни олиш – онлайн-режимда
- Маълумотномаларсиз
- Алоҳида сана. Пенсияларга байрам муносабати билан тўлов тўланади
- Нима учун россияликларга пенсияга қўшимчалар тўлиқ берилмайтир

3-6-бетлар

- **КАДРЛАР БЎЛИМИ** – Янги кодекс қўшимча қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши талаб қилмайди
- Маошнинг авансиз олса бўладими?
- Директор судланди...

7-8-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ногиронлиги бўлган ёлғиз пенсионерга васийлик қилувчининг мажбуриятлари, яхши пенсия олиш учун ҳозирдан қанча тўланиши кераклиги, архивда маълумотлар мавжуд бўлмаган қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида турли вазиятлар мисолида. Бундай ҳолатларда нима қилиш кераклигини «Норма» МЧЖ эксперти тушунтириб беради.

Экспертдан сўранг

Компенсация пул тўловлари ҳақида

Энг кам миқдорда пенсия оладиганлар уни тежаб ишлатишга ҳаракат қиладилар. Ойлик компенсация пул тўловлари ортиқчалик қилмайди. «Норма» МЧЖ эксперти Зафаржон Хўжаев пенсионерларга қандай турдаги компенсация тўловлари берилишини сўзлаб берди.

– Қайси пенсионерлар нонга компенсация олиш учун мурожаат қилишлари мумкин?

– 2018 йил 1 октябрдан ун ва қолипни нон сотиб олишга доир қўшимча харажатларни қоплаш учун ойлик компенсация тўловлари жорий этилган (*ВМнинг 13.09.2018 йилдаги 731-сон қарори*). Бир йил ўтгач ВМнинг 14.10.2019 йилдаги 866-сон қарори билан компенсация олувчи шахслар сони оширилди. Улар жумласига қуйидагилар киритилади:

➢ ёшга доир ва ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимондага), болаликдан ногир бўлган 16 ёшдан

катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга нафақа, шунингдек белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг миқдоридан кам пенсия ва нафақа олувчилар;

➢ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 2 ёшгача бўлган болалар парвариши учун нафақа бериладиган оилалар, шунингдек моддий ёрдам бериладиган кам таъминланган оилалар;

➢ 14 ёшгача бўлган болалари учун нафақа олувчи оилалар;

➢ энг кам ёшга доир пенсия олувчи пенсионерлар.

Шунингдек компенсация тўлови миқ-

БУГУНГИ СОНДА:

ФАҚАТ
РУХСАТНОМА
БИЛАН

Васий ва
васийликдаги
мол-мулк

2

ЛАВОЗИМ
РЎЙХАТДАН
ЧИҚАРИЛГАНДА

Маълумотнома
шарт эмас

3

КАРАНТИНДАГИ
ОЙЛАР УЧУН

Қачон тўлаш
бошланади?

5

МАЪЛУМОТНОМА-
ЛАРСИЗ

Буни билган
яхши

7

Маълумот учун!

Компенсация тўловлари берилмаган тақдирда, бевосита Пенсия жамғармасига мурожаат қилиш мумкин. Фуқаролар компенсация тўловлари юзасидан қуйидаги «ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишлари мумкин: Пенсия жамғармаси – 1140 ва «Халқ банки» АК – 1106.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

дори дастлаб БҲМнинг 10%и миқдориди белгиланган, кейин эса 50 000 сўмгача оширилган.

– **Компенсация тўловлари қандай тартибда тўланади? Бунинг учун қандайдир ҳужжатлар талаб этилади?**

– **Йўқ. Тўловларни олиш учун махсус ҳужжатларни расмийлаштириш шарт эмас.** Пенсия жамғармасида пенсия ва нафақа олувчилар ҳақидаги маълумотлар базаси мавжуд, унда компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлганларга автоматик тарзда компенсация пул тўловлари тайинланади. Ҳар ойнинг 3-санасига қадар дастурий мажмуа ёрдамида қайднонамалар шакллантирилади ҳамда тижорат банклари ва «Халқ банки» АКнинг тегишли филиалларига электрон шаклда юборилади.

Тўловларни **пластик карточкага оладиганларга** ҳар ойнинг бошида уларнинг ҳисобрақамига **маблағлар автоматик тарзда туширилади.** Нақд пул кўринишидаги компенсация тўловлари Халқ банкининг кўчма кассалари томонидан фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг биноларида пенсия ва нафақаларни тўлаш билан бир вақтда берилади.

– **Пенсионерга яна қандай тўловлар тўланади?**

– Пенсиячиларнинг айрим тоифалари **уй-жой-коммунал тўловларини тўлаш учун** БҲМнинг 45%и миқдориди компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқини эгалар. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш буйича компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Низомда (АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган. Улар жумласига қуйидагилар киритилади:

а) 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар. Уруш ногиронлари

ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси Низомга (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-шлов) 1 ва 2-иловларда белгиланган;

б) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;

в) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва Слава орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар;

г) фашист концлагерларининг собиқ воёга етмаган маҳбуслари;

д) Ленинград шахри қамали даврида ишлаган фуқаролар;

е) кўриш қобилияти буйича I гуруҳ ногиронлари;

ж) Чернобыль ҳалокати оқибатида ҳабрланган фуқаролар;

з) ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслардан ташқари, БҲМнинг 50%и миқдориди, 1941–1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат fronti қатнашчилари БҲМнинг 25%и миқдориди ойлик компенсация пул тўловларини оладилар (2175-сон Низомнинг 1-1, 2-б.).

Уй-жой-коммунал тўловларини тўлаш буйича компенсация пул тўловларини олиш учун Пенсия жамғармаси бўлимига тегишли ариза ва ҳужжатлар билан мурожаат қилиш лозим.

– **Бир вақтнинг ўзиди нон учун ҳам, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун компенсация тўловларини олиш мумкинми?**

– **Ҳа, албатта.** Бир вақтнинг ўзиди нон учун ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ушбу тўловларга пенсия ва нафақаларни тўлаш муддатларида тўланади.

Фақат рухсатнома билан

? **Фуқаро кекса ёшидаги II гуруҳ ногиронининг васийлиги ҳисобланади. Васийликдаги шахснинг оиласи ва фарзандлари йўқ, у муомалага лаёқатсиз. Унинг оиласи бор эди, у вафот этганидан кейин уйи қолган. Васийликдаги шахс ягона меросхўр ҳисобланади.**

Васий ўз васийлигидаги шахсга мерос қилиб қолдирилган кўчмас мулкдан фойдаланишга ҳақлими?

– Васийда унинг васийлигидаги шахснинг ишониб топширган мол-мулкига нисбатан қатор мажбуриятлари бўлади. У ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг

ўзларига топширилган мол-мулкни асраб-авайлаши, **мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслиги**

Маълумот учун!

Жамғариб бориладиган пенсия тизими **ИШТИРОКЧИЛАРИ** интерактив хизматлардан фойдаланган ҳолда қуйидагилар орқали ўз жамғармалари тўғрисидаги маълумотларни **ОЛИШЛАРИ** мумкин: **ЯГОНА** интерактив давлат хизматлари **ПОРТАЛИ**даги (**my.gov.uz**) шахсий кабинет; «**SMS-хабар**» хизматида уланган ҳолда мобил алоқа воситалари орқали. Унга улашиш учун Халқ банки филиалига мурожаат қилиш лозим.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

шарт («Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг 32-м. 1-қ.).

Васийликдаги шахснинг мол-мулкидан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиш тақиқланади. Васий ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкни бошқаришдан тушган даромадлардан унинг таъминоти учун фойдаланиши шарт (Қонуннинг 32-м. 1-қ., 34-м. 4-қ.). Фақат васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсати билан васий томонидан васийлигидаги шахснинг унга топширган мол-мулкига нисбатан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин:

- васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битимлар тузишга;
- мол-мулкни тақсимлашга;

➢ васийликдаги шахснинг мол-мулкни бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга гаровга беришга;

➢ васийликдаги шахснинг турар жойини айирбошлашга;

➢ васийликдаги шахс томонидан мерос ва (ёки) ҳада олишдан воз кечишга (Қонуннинг 37-м. 1-қ.).

Ҳозирги пайтда Қонунда назарда тутилган васий томонидан васийликдаги шахснинг мол-мулкни ижарага бериш имконияти бекор қилинган (14.01.2020 йилдаги ЎРҚ-602-сон Қонун 9-м.). Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорига ушбу қоида амал қилишда давом этмоқда (Низомнинг 88-банди, ВМнинг 22.09.2014 йилдаги 269-сон қарорига 1-илова). Қонун юқори юридик аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли **васий томонидан васийлигидаги шахснинг мол-мулкни ижарага бериш тақиқланади.**

Бизга ёзган экансиз

Ҳар бир пенсиянинг ўз тартиби бор

? *Пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган стаждан ортиқча ҳар бир ишланган йил учун пенсия миқдори ошириб борилишини биламан.*

Ушбу тартиб ёшга доир пенсияга тааллуқлими ёки барча турдаги пенсияларга қўлланиладими?

– Мазкур тартиб барча турдаги пенсияларга, бироқ турлича қўлланилади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида ушбу тартибни қўллаш батафсил баён этилган. Ҳисоб-китоб қилишда:

➢ ёшга доир пенсиялар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%и миқдоридан (Қонуннинг 31, 33-м.);

➢ I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%и миқдоридан;

➢ боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5%и миқдоридан оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баравари миқдори доирасида амалга оширилади.

Лавозим Рўйхатдан чиқарилганда

? *Корхона ходими 2006 йилдан ҳозиргача бўлган давр учун имтиёзли пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқини аниқлаштирувчи маълумотномани беришни сўраб мурожаат қилди, у бу давр мобайнида «қўлда кесиш ва пайвандлаш ишларида банд бўлган электр-газ пайвандловчиси» лавозимда ишлаган.*

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори билан 3.01.2013 йилдан бу лавозим Рўйхатдан чиқарилган бўлса, корхона томонидан ходимга 2006 йилдан 2.01.2013 йилгача бўлган давр учун шундай маълумотнома берилиши лозими?

– Бундай маълумотнома берилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Аниқлаштирувчи маълумотнома айрим тоифадаги ходимлар учун у берилаётган пайтда белгиланган

имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи махсус стажни тасдиқлаш учун берилади.

Унда тегишли Рўйхат рақами, унинг қисми, бўлими,

Маълумот учун!

Пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатлар **ТАҚДИМ ЭТИЛМАГАН ТАҚДИРДА**, Пенсия жамғармаси бўлими уларни тегишли ташкилотлардан талаб қилиб олишда **КҮМАК КЎРСАТАДИ**.

Маъзуевий сонни Алла Ромашко олиб боради.

банди ва кичик банди рақами, яъни маълумотнома тўлдириладиган пайтда амалда бўлган маълумотлар кўрсатилади.

2013 йил 13 январдан «қўлда кесиш ва пайвандлаш ишларини бажарувчи электр-газ пайвандловчиси» лавозими имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатидан (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) чиқарилганлигини ҳисобга олган ҳолда, **ушбу лавозимда ишланган давр ҳодимнинг махсус стажига киритилмайди ва у аниқлаштирувчи маълумотнома билан тасдиқланмайди.**

Шуни эслатиб ўтиш кераки, Фуқаролик кодексининг 4-моддаси 3-қисмига мувофиқ фуқароликка оид қонун ҳужжатлари амалга киритилганига қадар юзага келган муносабатлар бўйича ҳужжат амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар қўлланилади.

Бир вақтнинг ўзида корхоналар ва ташкилотларда ноқулай меҳнат шaroитларида иш билан банд бўлган ходимлар Қонунга мувофиқ меҳнат шaroитларида кўра муддатидан олдин имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлсалар, уларга меҳнатга ҳақ тўлашга мўлжалланган ўз маблағлари ҳисобидан пенсиялар тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилган (ОСПнинг 3.09.1993 йилдаги 939-ХII-сон қарори 8-банди).

Яхши пенсия олиш учун тўловни амалга ошириш керак

? *Пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахс корхона 4 йил давомида юқори маош олиб ишлаган. Корхона ёпилган. Пенсияга 1 йил қолган эди. Ҳозир у ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида расмийлаштирилган. Юқори миқдорда пенсия олиш учун сўнги 5 йилда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида қандай даромадни кўрсатиш лозим?*

Юқори миқдорда пенсия олиш учун энг юқори иш ҳақи қандай бўлиши керак?

– Ўзини ўзи банд қилган шахслар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишланган вақтидан қатъи назар, **2020 йил учун ижтимоий солиқни базавий ҳисоблаш миқдорининг 50%идан кам бўлмаган миқдорда ёки 111 500 сўм тўлайдилар, бундан келиб чиқиб** якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда пенсия ҳисоблаш учун иш ҳақи миқдори белгиланади (8.06.2020 йилдаги ПҚ-4742-сон қарорнинг 3-банди).

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган аниқ бир ой (йил) учун якка тартибдаги тадбиркорнинг (деҳқон хўжалиги аъзосининг) даромади куйидаги тартибда аниқланади: тўланган ягона солиқ тўлови суммаси амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ставкасига бўлинади ҳамда олинган натижа 100 га кўпайтирилади (Низомнинг 39-банди, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-шлова).

МИСОЛ. 2020 йил июль ойи учун 111 500 сўм тўланган. Тегишинча, 2020 йил июль ойи учун даромад миқдори 929 166,67 сўмни (111 500/12х100) ташкил этади, бунда 12% – микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун ижтимоий солиқ ставкаси. Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ пенсияни ҳисоблаш

учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан ошмайдиган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи ёки 2 386 100 сўм қабул қилинади.

Тегишинча, юқори миқдорда пенсия олишни хоҳловчилар ҳар ойда тўланадиган ижтимоий солиқни кўпроқ тўлашлари лозим.

Шу тариқа, 2020 йил июль ойи учун 275 минг сўм ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, июль ойи учун даромад миқдори 2 291 666,67 сўмни (275 000 / 12 х 100) ташкил этади, бунда 12% – микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун ижтимоий солиқ ставкаси.



Маълумот учун!

НОГИРОНЛИК БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАР меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида **ИШ СТАЖИДАН ҚАТЪИ НАЗАР** тайинланади.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Карантиндаги ойлар учун

? *Июнь ойида 54 ёшга тўлдим. Бироқ карантин тўғрисидаги пенсияга оид ҳужжатларни энди (белгиланган муддатдан анча кейин) топширдим.*

Карантиндаги ойлар учун пенсия ҳисобланадими ёки ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланадими?

– Коронавирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарори (14.04.2020 йилдаги 01-14/1-234-сон) билан карантин чоралари қўлланилган даврда пенсияга чиқиш ҳуқуқи юзага келган фуқаролар карантин чоралари тугагани-

дан сўнг бир ой мобайнида пенсия тайинлиниши учун мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур ҳолатда пенсия унга бўлган ҳуқуқ юзага келган санадан бошлаб тайинланади, яъни сизнинг ҳолатда 54 ёшга тўлган кунингиздан ҳисобланади ва ушбу санадан бошлаб тўланади.

Қарорни комиссия қабул қилади

? *Турмуш ўртоғим пенсияга ҳужжатларни расмийлаштиряпти. Унинг иш стажини 40 йилдан ортиқни ташкил этади. Бироқ архивда 10 йилдан ортиқ иш стажини топилмаётти. Архивдагиларнинг айтишича, турмуш ўртоғим ишлаган тўқимачилик комбинатининг айрим ҳужжатлари йўқолган экан.*

Бундай ҳолатда нима қилиш керак? Бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзувлар киритилган.

– Ушбу даврларни иш стажига киритилиши куйидаги айрим ҳолатларга боғлиқ бўлади:

Биринчидан, турмуш ўртоғингиз тўқимачилик комбинатидан 10 йилдан ортиқ ишлаган, бошқа даврлар учун тасдиқловчи ҳужжатлар ва ушбу даврлардаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар, ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқ, лавозимларда ишлаганлик, таътилга чиққанлик, рағбатлантириш ва мукофотлаш тўғрисидаги буйруқлар мавжуд;

Иккинчидан, меҳнат дафтарчасига қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда ёзувлар киритилган, нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд эмас, тузатишлар киритилмаган.

Мазкур ҳолатда Пенсия жамғармаси бўлимининг қарори

билан пенсия миқдорини ҳисоблашда ушбу даврлар иш стажига қўшилади.

Бундан ташқари, мурожаатингизда кўрсатилган даврлар 2005 йилдан кейинги даврга тўғри келадиган бўлса, иш стажини мажбурий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги маълумотлар билан тасдиқлашингиз мумкин бўлади. Ушбу маълумотларни яшаш жойингиздаги Халқ банки филиалидан олишингиз мумкин.

Мазкур ҳолатда, меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатларга белгиланган қоидаларга риоя этмаган ҳолда ёзувлар киритилган бўлса, уларни иш стажини тасдиқловчи далил сифатида қабул қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи ҳам Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ҳал этилади (252-сон Низомнинг 76-банди).

Рақамли режимда

? *2005 йилдан бошлаб иш стажини архив маълумотномалари билан тасдиқламаса ҳам бўлади деб эшитдим. Шундайми?*

– Ҳақиқатан ҳам, Президентнинг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони (2.03.2020 йилдаги ПФ-5953-сон) билан 2005 йилдан 2020 йилгача бўлган давр учун пенсияни расмийлаштиришда стажини тасдиқлашнинг янги тартиби белгиланган.

Архив маълумотларини тақдим этмасдан пенсияни

ҳисоблаш учун куйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

➤ **2005–2016 йиллар даври учун** жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

➤ **2016–2018 йиллар даври учун** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишининг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

➤ 2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан.

Ушбу даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг муружоти асосида фойдаланилади. Тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сирдан

расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади (ПФ-5953-сон Фармоннинг 20-банди).

Эслатиб ўтамиз, бунинг учун «Ягона миллий меҳнат тизими» (ЯММТ) идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий этилган (31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон қарор). Унда шакллантирилдиган меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун фуқароларнинг меҳнат стажини тасдиқлайди.

Уста учун имтиёз



Хунармандчилик фаолияти билан шуғулланадиган пенсионерлар учун ижтимоий солиқни тўлаш бўйича имтиёзлар мавжудми?

– Ҳа мавжуд, бироқ фақат «Хунарманд» уюмаси аъзоси бўлишингиз ҳамда қишлоқ жойларда фаолият юритишингиз лозим. Бундай шахслар ижтимоий солиқни

фаолиятининг дастлабки 2 йилида ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50%и миқдоридан тўлайдилар (СК 408-м. 1-қ. 4-б.).

Харажатларни қоплаш жиҳатлари



Иш берувчи бир йўла тўланадиган, масалан, дафн этиш маросими учун бериладиган нафақалар бўйича ходимларга тўланадиган харажатларни қоплашга ҳақлими?

– Иш берувчининг ходимларга бир йўла тўланадиган нафақаларни тўлашга оид харажатларини қоплаш Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ амалга оширилади.

Низомга мувофиқ бола туғилганда, шунингдек дафн этиш маросими учун ходимга бир йўла тўланадиган нафақалар қопланиши лозим.

Ташкилотлар томонидан Пенсия жамғармасидан маблағлар олиш учун белгиланган шакл (Низомга 2-шлова) бўйича қоғоз кўринишидаги ёки электрон ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этган ҳолда тасдиқланган шакл (Низомга 3-шлова) бўйича электрон кўринишидаги ариза тақдим этилади.

Бунда бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақани олиш учун ариза бола туғилганидан кейин 6 ойдан кечиктирмай, дафн этиш маросими учун нафақа олишга ариза шахс вафот этганидан кейин 60 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧД эксперти.

АКТ – амалда

Ижтимоий нафақаларни олиш – онлайн-режимда

1 сентябрдан бошлаб аризаларни кўриб чиқиш ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш жараёнлари босқичма-босқич автоматлаштирилади.

Бунинг учун «Ягона ижтимоий ҳимоя реестри» ахборот тизими ишга туширилади, у 2019 йил октябрь ойдан бошлаб Сирдарё вилоятида қуйидаги тўловларни тайинлаш ва тўлашда тажриба тариқасида синовдан ўтказилган:

➤ 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш нафақаси;

➤ 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар;

➤ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Тизим Ўзбекистонда ЮНИСЕФ ваколатхонаси гранти доирасида молиявий, техник ва эксперт жиҳатидан қўллаб-қувватланади. Компьютер ускуналари ва периферий қурilmалари Жаҳон банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига харид қилинади.

Тизим «Электрон ҳукумат»нинг таркибий қисми бўл-

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ганлиги сабабли давлат органлари ва ташкилотлари ижтимоий хизматлар ёки ёрдам кўрсатишда ўзаро электрон форматда ҳамкорлик қиладилар. Фуқаролар тизимда **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами** (ЖШШИР) бўйича идентификацияланади.

Тизим функционали босқичма-босқич кенгайтирилади. Масалан, йил охирига қадар ариза берувчининг оила аъзолари

таркибини аниқлаш имконияти (уларнинг ЖШШИРи орқали «ФХД»нинг ягона электрон архиви») билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан) жорий этилиши лозим. Бундан кейин ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги ариза онлайн-режимда электрон шаклда берилиши мумкин бўлади.

Ўз ахборотимиз.

Буни билган яхши

Маълумотномаларсиз

2021 йил 1 январдан* давлат хизматлари ва ёрдам кўрсатишда фуқаролардан куйидаги маълумотномаларни талаб қилиш **тақиқланади**:

➤ доимий яшаш учун рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотнома;

➤ оила таркиби, болалар сони ва уларнинг ёши тўғрисидаги маълумотномалар, туғилганлик, вафот этганлик, турмуш қурганлик ва ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳномалар;

➤ автотранспорт воситаси мавжудлиги ва унинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотнома;

➤ оиланинг (оила аъзоларининг) расмий даромадлари тўғрисидаги маълумотномалар;

➤ кўчмас мулкнинг мавжудлиги, кўчмас мулк ҳажми, фойдаланувда бўлган ернинг бонитети тўғрисидаги маълумотномалар;

➤ иш қидирувчи, ишсиз, жамоат ишлари билан бандлик мақоми берилганлиги тўғрисидаги маълумотномалар;

➤ пенсия ва нафақа кўринишидаги даромадлар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар эканлиги тўғрисидаги маълумотнома;

➤ меҳнат фаолияти билан вақтинча шуғулланиш имкониятини бермайдиган касалликнинг мавжудлиги, ногиронлик гуруҳининг мавжудлиги, доимий парваришга муҳтож оила аъзосининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномалар;

➤ банк пластик картасининг мавжудлиги, тўловлар ва ведомостларни юбориш, тўланган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар, оила аъзоларига келиб тушган пул ўтказмалари, банк пластик картаси қолдиқлари тўғрисидаги маълумотномалар;

➤ оила аъзоларининг қимматли қоғозлар билан амалга оширган операциялари, дивидендлар олинганлиги тўғрисидаги маълумотномалар;

➤ талабалар сафида мавжудлиги, стипендия миқдори, ўқиш шакли (кундузги, сиртқи), ўқиш тури (давлат гранти, тўлов контракт) тўғрисидаги маълумотномалар.

Кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ва



оилалар «Ягона реестр» ахборот тизими орқали **кўшимча хужжатлар ва маълумотномаларсиз** куйидаги хизматлар ва имтиёزلардан **фойдаланадилар**:

➤ давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш;

➤ МТМда ўрнатилган миқдорларда ота-оналар тўловини тўлаш;

➤ умумий ўрта таълим мактабларида дарсқиклар ижара тўловларидан озод этиш;

➤ умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун қишки кийим-бош бериш;

➤ айрим фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта мактаблар ўқувчиларини овқатланиш харажатларидан озод этиш;

➤ санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, «Баркамол авлод» марказлари ва бошқа мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиш харажатларидан озод этиш;

➤ кам таъминланган оилаларнинг ногирон аъзоларини протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш;

➤ ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус амбулатор ёки кундузги тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) олиш.

Кам таъминланган деб эътироф этиш тўғрисидаги маълумотномани ЯИДХП орқали «Ягона реестр» АТ орқали **12 ой мобайнида** олиш мумкин.

*Президентнинг «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиби-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (4.08.2020 йилдаги ПҚ-4797-сон).

Хорижда қандай

Алоҳида сана. Пенсионерларга байрам муносабати билан тўлов тўланади

1 октябрь Нурунийлар куни сифатида байрам қилинади. Россиянинг айрим минтақаларида ушбу санада пенсионерларга қўшимча тўловлар тўланиши маълум қилинган. Қанча миқдорда тўлов тўланади ҳамда қандай байрам муносабати билан нафақалар тўланади?

Байрамга тўловлар минтақа кўламида амалга оширилади ҳамда пенсионернинг яшаш жойидагидан кескин фарқ қилади. Нурунийлар кунига келадиган бўлса, битта минтақада қатъий миқдор белгиланиб, ҳар йили тўланади. Бошқасида эса байрам арафасида тўлов тўлашга қарор қилинади.

Нурунийлар кунига ҳар йиллик тўловлар, масалан, Ярослав ва Рязань вилоятларида белгиланган. Тўловлар 500 рублни ташкил этади. Турли минтақаларда тўлов тўлаш шартлари турлича эканлигига эътибор қаратиш лозим. Айрим минтақаларда ҳеч қандай истисносиз барча пенсионерларга қатъий белгиланган тўловлар тўланади. Бошқасида эса муайян ёшдагиларга берилади. Қўшимча шартлар белгиланиши ҳам мумкин.

Ненец автоном округини мисол қилиб келтирамиз. У ерда кўпроқ – 5 000 рубль тўланади. Ҳақиқатан ҳам, бу пуллар барча пенсионерларга тўланмайди, фақат узоқ йиллар давомида минтақада яшаб меҳнат қилган ёки ногиронлиги бўлган пенсионерларга тўланади. Чунончи ушбу мезонларга мувофиқ келадиган 70 ёшгача бўлган шахсларга 5 000 рубль, 70 ёшдан катталарга эса – 16 640 рубль берилади.

Халқаро ногиронлар кунинда (3 декабрь) ҳам тўловлар

тўланади. Одатда тўлов минтақага боғлиқ ҳолда 500 рублдан 10 000 рублгачани ташкил этади.

Қоидага кўра, Нурунийлар куни муносабати билан тўловлар тўланмаган вилоятларда Ногиронлар кунинда ҳам тўловлар тўланади.

Таъкидлаш жоизки, минтақада байрамга тўлов тўлашга қарор қилинса, пуллар пенсионерга байрам арафасида берилади. Масалан, 1 октябрь (Нурунийлар куни) ҳақида сўз борганда, 30 сентябрдан пул ўтказилади. Тўлов автономик тарзда ўтказилади. Ижтимоий ҳимоя органларига ҳеч қандай қўшимча ариза ёзилиши шарт эмас.

Кўп минтақаларда юбилей саналарига турли пул мукофотлари берилади. Масалан, Москвада узоқ умр кўрадиганларга пул тўланади. 2020 йилда куйидаги суммалар белгиланган: 100 ёшга тўлганларга – 26 400 рубль, узоқ умр кўрадиганларга, 101 ёшдагилар ва ундан катталарга – 15 840 рубль. Юбилейини биргаликда нишонлаётган оилавий жуфтликларга ҳам тўловлар назарда тутилган. Никоҳда 50 йил биргаликда яшаганларга 21 120 рубль, 55 ва 60 йил яшаганларга – 26 400 рубль, 65 ва 70 йил яшаганларга эса – 31 680 рубль берилади. Бошқа минтақаларда ҳам юбилейларга тўловлар тўланади.

Нима учун россияликларга пенсияга қўшимчалар тўлиқ берилмаётир

2017–2019 йилларда пенсияга қўшимча тўловлар 53%дан ортиқ ҳолатларда амалга оширилмаган. Бу ҳақда РФ Ҳисоб палатасининг ҳисоботида айтилган.

Таъкидланишича, назорат қилувчи ижора томонидан ўтказилган аудитдан кейин пенсионерларга 2,2 млн рубль қўшимча тўлов тўланган. Асосий муаммо бир шахсга иккита ва ундан ортиқ счёти очилганлиги, шунингдек яқка тартибдаги шахсий ҳисобрақам сугурта рақамининг бир нечта шахсларга берилганлиги ҳисобланади. Кўпинча ариза берувчиларнинг сўровномани тўлдиршида йўл қўйган хатоликлари туфайли шундай вазият юзага келади.

Бундан ташқари, фамилиянинг ўзгартирилиши ҳам пенсия миқдорининг камайишига олиб келади. Бу турмушга чиқадиган аёлларга кўпроқ тааллуқдир. Пенсия жамғармаси қайта берилган счёتلарни топиб уларни

бирлаштириб боради, бироқ аудиторларнинг аниқлашича, пенсионерларга тўлиқ тўланмаган пуллар ҳар доим ҳам берилмас экан. 3 йил ичида РФ Пенсия жамғармаси деярли 90 миң пенсионернинг счётларини бирлаштирган. Идорада улар пенсияни тўлиқ миқдорда олмаган бўлиши мумкин деб ҳисобланмоқда.

Ҳисоб палатасининг таъкидлашича, Меҳнат вазирлиги Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда фуқароларнинг пенсияларини текширишлари, қайта ҳисоблашлари ва тўланмай қолган пулларни тўлашлари лозим.

Манба: life.ru.

Маевуви сони Алла Ромашко олиб боради.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Янги кодекс қўшимча қонуности ҳужжатлари қабул қилишни талаб қилмайди

Меҳнат бозорида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, меҳнат низоларининг юзага келмаслигига эришиш кўп жиҳатдан бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришга боғлиқ.



Мамлакатимизда ушбу муносабатлар Меҳнат кодекси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг тегишли конвенция ва тавсияларига асосланади.

Рақамларга эътибор қаратиладиган бўлса, Ўзбекистон меҳнат бозорида сўнги йилларда бир қатор жиддий ўзгаришлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 8,8 млн дан 13,5 млн га етди. Иш берувчилар сони 4,5 баробарга ошди. Бу эса иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари фаол ривожланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириб боришни талаб этади.

Қайд этилишича, шу кунгача иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар 1995 йилда қабул қилинган амалдаги Меҳнат кодекси билан тартибга солиб келинмоқда. Мазкур Кодекс замонвий воқеликка мос келмайди. Бугунги жадал ривожланиш даврида қонун билан тартибга солинмаётган масалалар яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Иш берувчилар, хусусан қўшимча одамларни меҳнатга жалб қилишнинг содда шакллари ташлашга имкон берувчи мослашувчан иш режимларидан кенг фойдаланиш учун етарли шарт-шароитлар акс этмаган.

Шу билан бирга, бугунги кунда маҳсулот, товарлар ва хизматлар учун мавсумий талаб ошииб бормоқда. Бу эса янги тахрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилиш заруратини туғдирмоқда.

Парламент қуйи палатаси, Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Ушбу лойиҳа тузилиши жиҳатдан 2 қисм, 34 боб ва 621 моддадан иборат бўлиб, йиғилишда уни қабул қилиш учун асослар ва ундан қутилаётган натижаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, лойиҳа мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий соҳа ва иқтисодий ривожлантириш, жумладан, инвестиция муҳитини яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиламоқда.

Янги тахрирдаги Меҳнат кодекси бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари,

ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби нормаларни ўз ичига олади.

Меҳнат кодексининг янги тахрирда қабул қилиниши бир қатор имкониятларни юзага чиқариши ҳам қайд этилди.

– Янги тахрирдаги кодекс қўшимча қонуности ҳужжатлари қабул қилишни талаб қилмайди ва тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланмоқда, – дейди **Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Одил Тожиёв.** – Ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги яққа тартибдаги ва улар билан боғлиқ бўлган меҳнат муносабатларини тартибга солмоқда. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиш доирасини ва қўлланилмайдиган соҳаларини аниқ белгилайди. Меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ айрим муносабатлар такомиллаштирилмоқда. Жумладан, ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёшга аниқлик киритилмоқда. Ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайдиган шахс тоифалари кенгайтирилмоқда.

Ҳужжатда мамлакат ёки минтақада фавқулодда ҳолат ёки карантин чоралари эълон қилинганда ходимнинг розилигисиз меҳнат шартномасига ўзгартириш киритиш шартлари белгиланмоқда. Мутлақо янги механизм – меҳнат шартномасини кучдан қолдириш (аннулирование) киритилмоқда.

Шунингдек, ушбу ҳужжат фуқароларнинг меҳнат фаолиятига жалб қилинишининг янги шакллари фаол ривожлантиришни тартибга солиш, Меҳнат кодекси қоидаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга мослаш имконини беради.

Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида Франция, Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Россия, Беларусь, Озарбайжон ва Молдова каби давлатларнинг меҳнат қонунчилиги ўрганилган.

Яқунда қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Корхонада иш ҳақини ойда бир марта олишга рози бўлган ходимлар бор, бу ҳақда уларнинг аризалари мавжуд. Маошни авансиз бериш ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайдими?

Маошни авансиз олса бўладими?

Вазиятни «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти **Ленара ХИКМАТОВА** тушунтирди:

– Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Ходимларнинг айрим тоифалари учун фақат алоҳида ҳолларда Ҳукумат томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин (*МК 161-м.*).

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва

бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас (*МК 5-м.*). Шу тариқа, ҳатто буни ходимнинг ўзи истаган тақдирда ҳам, иш ҳақини ойда бир марта тўлаш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, иш берувчи ва ходим ўртасида иш ҳақини ойда бир марта тўлаш тўғрисидаги келишув ходимнинг аҳолини МКнинг 161-моддасига қараганда ёмонлаштиради, бинобарин, ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Иккинчидан, ўша МКнинг 161-моддасида аниқ, ҳеч бир шартларсиз, иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳар ярим ойда ҳақ тўлаш мажбурияти белгиланган. Шу боис ҳам иш ҳақини ушбу даврийликдан кечиктириб бериш кўрсатилган модда нормасини бузади.

! *МКда иш ҳақини бир ойда энг камидан қанча марта тўлаш мумкинлиги белгиланган (2 мартадан кам эмас) бўлиб, лекин унинг кўпчилиги бўйича чеклов қўйилмаган. Яъни меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари бир ойда икки мартадан кўп бўлиши мумкин (масалан, ҳафтада бир марта, 10 кунда бир марта ва ҳ.к.).*

Ҳатто жамоа шартномасида ёки ташкилотнинг бошқа локал норматив ҳужжатиде меҳнатга ҳақ тўлаш ойда бир марта амалга оширилиши кўрсатилган тақдирда ҳам, ушбу шарт ҳақиқий эмас ҳисобланади, сабаби МКнинг 5 ва 161-моддаларига зид.

Шу тариқа, иш ҳақини ойига камидан икки марта тўлаш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади, у буни ходимнинг иш ҳақини ойда бир марта олишга розилиги ва шу каби аризаси мавжудлигидан қатъи назар бажариши керак.

Агар ходим аванс ололмаган бўлса-чи?

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган муддатларда тўлаши шарт (*МК 154-м.*). Бундан ташқари, Ҳукуматнинг қарорлари билан (*17.11.1999 йилдаги 504-сон; 19.03.2002 йилдаги 88-сон*) бўлган ташқари, Ҳукуматнинг қарорлари билан (*17.11.1999 йилдаги 504-сон; 19.03.2002 йилдаги 88-сон*) ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлигига иш ҳақининг ўз вақтида ва

тўлиқ тўланиши учун шахсий жавобгарлик юклатилган.

Агар ходим иш берувчининг айбисиз аванс нақд шаклда ўз вақтида ололмаган (масалан, хасталаниб қолган) бўлса, ушбу сумма банкка топширилади, шундан кейин ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан биргаликда тўланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатларини бузиш иш берувчи учун нимага сабаб бўлади?

Иш ҳақини ойда икки марта тўлаш ўрнига бир марта тўлаганлик учун ташкилотнинг мансабдор шахсини БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима солган ҳолда маъмурий жавобгарликка тортишлари мумкин. Ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса – жарима энди БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригачаи ташкил этади (*МЖТК 49-м.*).



Директор суд ҳукми билан ЖКнинг 45-моддаси бўйича жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган ва 2 йил муддатга раҳбар лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Шу билан бирга директордан у билан ҳисоб-китоб қилиш ва ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш, шунингдек фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун тўловларни тўлашга оид ёзма талабнома келиб тушган.

Мазкур ҳолда бухгалтер қандай йўл тутishi лозим?

Директор судланди...

– Мазкур ҳолатда аввало меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асосни танлаш лозим.

Судланган шахс қандай модда бўйича ишдан бўшатилади?

ЖКнинг 45-моддасига мувофиқ шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд томонидан белгиланган муддатда айбдорнинг корхона, муассаса ёки ташкилотларда у ёки бу лавозимни эгаллаши ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланиши тақиқланганлигини билдиради. Бундай лавозим ёки фаолият тури суд томонидан айблов ҳукми чиқарилаётганда белгиланади.

Айбдор эгаллаб турган лавозими ёки меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноятларни содир этганда, асосий жазо тариқасида 1 йилдан 5 йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида 1 йилдан 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинади.

Бундай жазо тайинланган бўлса, **ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг** ходим билан тузилган меҳнат шартномаси томонларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, МКнинг 106-моддаси 3-бандига биноан бекор қилиниши лозим.



Қачон ҳукм кучга қиради?

Апелляция шикоятни бериш ва протест келтиришга ажратилган муддат тугагач ҳукм қонуний кучга қиради.

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон

қилинган ёки унинг нусхаси маҳкумга берилган кундан бошлаб 10 сутка ичида тақдим этилиши мумкин (ЖПК 497-4-м.). Яъни ушбу муддат ичида апелляция берилмаса, ҳукм кучга қиради ва тегишинча, меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлади.

Апелляция шикоятни ёки протест келтирилган тақдирда, ҳукм бекор қилинмаган бўлса у **юқори турувчи суд томонидан иш кўриб чиқилган кунда кучга қиради** (ЖПК 528-м. 1-қ.).

Шундай вазиятлар ҳам бўладики, жиноий иш бўйича икки ва ундан ортиқ шахслар суд қилинади. Мазкур ҳолатда ҳеч бўлмаганда улардан бирига апелляция берилган бўлса, **барча судланганларга нисбатан тайинланган ҳукм юқори турувчи суд томонидан иш кўриб чиқилмагунга қадар кучга киритилмайди** (ЖПК 528-м.).

Ҳар қандай жиноий жазо ҳам ишдан бўшатиш учун асос бўлмайди

Иш берувчининг МКнинг 106-моддаси 3-бандига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш мажбурияти жиноий жазо чорасига боғлиқ бўлади. Суд томонидан тайинланган жазо маҳкумининг аввалги ишини давом эттириш имкониятини истисно этадиган ҳолатларда (озодликдан маҳрум қилинганда, меҳнат фаолиятини амалга ошириш жойидан ташқарида ахлоқ туза-тиш ишларини бажаришда, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилганда ва бошқалар), ходимни ишдан бўшатиш мумкин.

Бошқа томондан, муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаган ҳолда жарима тайинланиши ёки шартли жазога тортилиши ходимга ўзининг корхонасида ишлашига ва аввалги лавозимини эгаллашига имкон беради.

Амалиёт кўрсатишича, айрим ҳолатларда МКнинг 106-моддаси 3-бандига кўра ишдан бўшатиш, айниқса ходим юқори малакали мутахассис бўлганда, ташкилот манфаатларига мувофиқ келмайди. Бунинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд: суднинг кучга кирган ҳукми, бир томондан, иш берувчини (мол-мулк эгасини) ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга мажбур этади, бошқа томондан эса,



у мазкур ходимни унинг розилиги билан ушбу корхонада бошқа ишга жойлаштириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, бунда шундай ишда ишлаш суд ҳукмида тақиқланмаган ва ходим ҳисбга олинмаган бўлиши керак.

МКнинг 106-моддаси 3-бандига кўра «ишдан бўшатиш баҳоси» қанча?

Фараз қилайлик, муайян лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ходим ҳисоб-китоб қилишни, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун тўлов ва ишдан бўшатиш нафақасини тўлашни талаб қилди.

Ишдан бўшатишда ходим билан ҳисоб-китоб қилиш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. У ходимга барча ишлаган вақти учун иш ҳақи ва фойдаланилмаган таътиллар учун компенсация тўлаши лозим. Шу тариқа, буларни талаб қилишга ходим тўлиқ ҳақли бўлади. Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган шартларга мувофиқ ходимга бажарган иши учун ҳақ тўлаши шарт (МК 154-м. 1-қ.). Бундан ташқари, иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўлаши шарт (МК 151-м. 1-қ.).

Ишдан бўшатиш нафақасига келсак, МКнинг 106-моддаси 3-бандига кўра ишдан бўшатишда бундай нафақа тўланмайди. Бу МКнинг 109-моддасига белгиланган, унда ушбу тўлов амалга оширилган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари рўйхати келтирилган.

Ленара Хикматова,
«Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқлари бўйича эксперти.

Реклама ва эълон

ORMA

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлаймасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

«Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал norma.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: shx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» М-Джинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 186. Қозғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоли кўрсатилган нарҳда.
Буюртма г-922. Адади 545. Газета 2020 йил 7 сентябрь соат 16.00 да топширилди.